

Нима бўлди-ю, унинг кўзига пулдан бошқаси кўринмай қолди. Моддий манфаатни кўзлаган раҳбар пинҳона равишда фуқароларга берилмаган нафақа пулларини ўзлаштиришга киришди. Мансаб ваколатидан фойдаланиб, бир йил мобайнида нафақа пулларидан бир қисмини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди.

5 бет

... Тўғри йўл қолиб эгри йўлдан юришни маъқул кўрган Фафур Холбоев уч нафар фарзандини ҳалол луқма билан боқишни эмас, ишламай тишлашни ва тезроқ бойиб кетишни истаб қолади. Мақсадига етиши учун унга одам савдоси билан шуғулла-ниш энг афзал йўл бўлиб кўринди.

6 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон



1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-йил 18-iyun, №24 (961)

Баркамол авлод келажаги йўлида

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда баркамол авлод келажаги йўлидаги эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.



Мазкур қарор асосида тасдиқланган Давлат дастури ва ҳаракат режасига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўп қаватли "Камолот" уйларини қуриш ва ижтимоий фаол ёш оилаларга имтиёзли кредит эвазига, бошланғич бадалсиз бериш тартиби белгиланган. Бу вазифаларни тизимли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-

қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Республикаимизнинг турли ҳудудларида барпо этилган бундай "Камолот" уйлари юртимизда ёшларимиз ҳеч қандан ҳеч қачон кам бўлмаслиги учун яратилаётган бекиёс имкониятларнинг амалдаги ифодаси бўлаётди.

Мазкур уйлارда ёш оилалар учун яратилган қўлайликлар замонавий шаҳарсозлик ва бинокорлик талабларига тўла жавоб беради. Табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатда бунёд

этилган уйлар қурилишида юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилгани ҳамда маиший электр техника воситалари билан жиҳозлангани эътиборга лойиқдир.

Фойдаланишга топширилган уйларида назар солсангиз кишининг бахри дили очилади. Ховлида болалар майдончаси, автомобилчалар учун алоҳида тўхташ жойи барпо этилган. Бу ерда болажонларнинг мириқиб ўйнаб-қулиши, оила аъзоларининг сайр қилиши ва дам олиши учун ҳам шароитлар ҳисобга олинган.

Назорат

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган туб ислохотлар олиб берилмоқда. Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ишончли норматив базаси ва кафолатлари яратилди.

Тадбиркорлик йўлидаги тўсиқлар бартараф этилмоқда

Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳақида"ги Фармони билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун яратилган қўлайликлар янада кенгайтирилиб, мустаҳкамланганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мазкур фармон билан хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастурда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуви ва тўсиқлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари жавобгарлигини жинсий жавобгарликка тортишгача кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солинадиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, руҳсат бериш ва лицензиялаш каби тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, тадбиркорликка зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш масаласида мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ва янги иш ўринларининг яратилишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига республика бозори зарур исхот мулк товарлари ва хизматлар билан бойимокда.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган

Жамшид ФАЙЗИЕВ,
Тошкент вилояти прокурори

Олий Мажлис палаталарининг Қўшма мажлисидаги нутқидан шу масалага алоҳида урғу бериб, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётгани ва ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолиимизнинг 75-77 фоизи шу соҳада меҳнат қилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, ушбу мажлисда Президентимиз иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлиши хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча гов ва тўсиқларни бартараф этиш ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркорлиги, ўтган йиллар давомида бу борада кўпгина ишлар бажарилганлиги, бироқ мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечилмаётганлиги ва ўзининг қултирган самарасини бермаётганлигини ҳам таъкидлади. Тадбиркорликни янада ривожлантиришга гов бўлиб турган барча тўсиқларни бартараф этиш энг муҳим ва энг устувор вазифа сифатида белгиланди.

Тошкент вилоят прокуратураси, ҳоқимлиги, адлия, ички ишлар, давлат солиқ, божхона бошқармалари, вилоят савдосаноат палатаси, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, стандартлаштириш ва метрология ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри, статистика бошқармалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, Марказий банк Тошкент вилоят бош бошқармаси, "Тошвилсувоқва" ОАЖ, "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ, "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси ҳамкорлигида "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида"ги Қўшма кўрсатма ишлаб чиқилиб, ижро учун мутасадди идораларга юборилди.

(Давоми 3-бетда)

Мурожаатлар эътибордан четда қолмайди

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштирди. Қонун билан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлиб ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. Ушбу соҳадаги қонунбузилиши учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди.

Қонун мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комп-

лекси таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар масъул ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.


Таъкидлаш жоизки, қонунда мурожаатларнинг шакллари, уларга қўйиладиган талаблар аниқ баён этилган. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкин.

Қонун талабларини самарали қўллашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги "Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Иштирокчиларга низом талаблари ва уни амалиётда қўллаш тартиби батафсил тушунтирилди.

Ўз мухбиримиз

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримовнинг бевосита раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабҳалари каби қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган ислохотлар тўғрисида республикамизда галла мустақиллиги, ички бозорнинг нон ва нон маҳсулотлари билан тўлдирилишига, кишиларнинг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тўла қондирилишига эришилди. Юртимизда галла етиштириш ҳажми йилдан-йилга ошиб борди. Фахр билан айтиш мумкинки, бугун ўзбек деҳқонининг омбори донга тўла, дастурхонидан ўз нони аримайди.



Гиёҳвандликни касб қилган Санжар Саматов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қирқ ёшда. Тоғни урса талқон қилгудек кучи бор. Бир неча йиллардан буён гиёҳванд молдаларни истемвол қилади. Уни жилла қурса, тўрт нафар норасидасининг тақдирини ҳам, келажагини ҳам ташвишга солмайди. Тўғри йўлга қайтиш унинг учун ўлимдан ҳам оғирроқ. Нафсининг ором топиши учун, ўша "зорманда"ни топиш учун ҳеч нимадан қайтмайди. Болаларининг ризқини қийишдан ҳам.

Масъулиятни унутманг

Равашан ЗАЙНИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Катта меҳнат ва ҳаракат эвазига етиштирилган, ҳозирда далаларда пишиб етилган халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган галла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатларда сифатли ўриб олиш муҳим вазифадир.

2015 йил галла ҳосилини ўз муддатида, сифатли ўриб-йиғиб олишни ташкил этишда барча масъул идораларга фермер хўжаликлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон етиштириш ва сотиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг бажарилишини таъминлаш, дон ўриш комбайнлари ва донни ташуви транспорт воситалари, дон қабул қилиш масканларини шай қолатга келтириш вазифалари, галлани тайёрлов пунктларига фақат дастлабки тозалаш ишлари ўтказилгандан сўнг ифлослиги ва намлиги стандарт нормативлардан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилинишини таъминлаш, ёнигли-мойлаш материалларининг зарур захирасини яратиш, масъул идоралар томонидан дон ўриш ва ташиш техникаларининг йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ёнгинлар содир бўлишининг олдини олиш каби чора-тадбирларни кўриш вазифалари юклатилди.

Бу вазифалар ихросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятида 2015 йил дон маҳсулотини қабул қилиш учун 21 та галла қабул қилиш пункти, 2 та уруғлик цехи тўлиқ тайёрлаб қўйилган. Мавсумда галла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда 160 та юқори унумли комбайнлар ҳамда янчилган донни ташиш учун 817 та юк машинаси қатнашиши режалаштирилган.

Бу борада прокуратура органлари ҳам катта масъулиятли вазифалар юклатилиб, фермер хўжаликлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун дон топширишда шартномавий мажбуриятларини бажаришлари устидан таъсирчан ва қатъий назорат ўрнатиш белгиланган.

Вазифалар ихросини таъминлаш юзасидан махсус штаблар ҳамда ишчи гуруҳлари тузилиб, айниқса, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, фермер хўжаликлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон етиштириш ва сотиш мажбуриятининг бажарилиши каби долзарб вазифалар юклатилган.

Ишчи гуруҳлари томонидан олиб борилаётган мониторинг-назорат тадбирлари жараёнида галла ўримида масъул бўлган айрим мансабдор шахслар томонидан масъулиятсизлик, ўзи-ўзларчилиги ҳамда хизмат вазифасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик каби салбий ҳолатлар аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра 120 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Туман ҳокимининг қонунга хилоф қарорига нисбатан 1 та протест келтирилиб, қарийб 80 нафар дон ўримида масъул шахслар интизомий жавобгарликка тортилди.

Қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 17 та тақдимнома киритилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят йиғи қўзғатилди.

Ҳа, Санжарнинг гиёҳванд молдаларга ружу қўйиши, ундан халос бўлиши истамаслигининг ўзи жиноят. Бу уни қонунбузарликнинг минг бир кўчаларига бош суқишга мажбур этаверади.

Зулмат кўчаларга бошлаган оғу

Учкун ИНОЯТОВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

У зўғига Қирғизистон Республикасидан ахшигина "ҳамкор" топиб олди. Гиёҳванд моддани ундан улгурчи олади-да, ўзидан "ортгани"ни сотади.

Уша кунни ҳам айна ёзнинг жазирамасида иссиқдан лоҳас бўлаётган Санжарни умор ҳам безовта қила бошлади. Телефонига тез-тез қараб қўяр, қирғизистонлик ҳамтовогидан хабар кутарди. Ниҳоят, ундан кўнғирок бўлди.

— "Мол"ни олиб ўтдим, ўтган сафарги жойда... Нархи келишганимиздек... Санжарнинг кўнгли ёришди. Кўз олдига Янгикўрғон туманининг Исковот қишлоғидаги максапоя келди. Демак, бу гал ҳам "қассоб" гиёҳванд моддани ўша ерга яширган. У чўнтағига 300 АҚШ долларини солди. Чунки нарх шундай белгиланган. Сўнг таниши Эркинга кўнғирок қилди. Унинг "Жигули"си бор. Унга гапнинг очигини айтиб қўя қолди:

— Бу сафар салмоғи кўпроқ, сенга ўттизини бераман, — деди. Эркин бироздан сўнг учрашилари мумкинлигини айтди. Ордан кўп ўтмай улар манзил томон йўл олишди. Санжар айтилган жойни осонгина топди. Гугурт қутиларига жойланиб, қадоқланган 1752,62 грамм "гашиш" гиёҳвандлик моддасини машинанинг орқа ўриндиғига жойлади. Улар ортага — Наманган шаҳрига қайтишди. Бирок йўлда машинани ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари тўхтатишди...

Суд Санжар Саматовни 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм ўқиди. Жазони ўташ даврида унинг гиёҳвандлик ва алкоғолизмга қарши даволаниши таъминланади.

Нафс домида

Сардорбек ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар кўлаб қурилиш корхона ва ташкилотларининг фаолиятига асос солиб, янги иш ўринлари яратилишига ҳам сабаб бўлди. Турли мулк кўринишидаги бундай ташкилотларнинг таъсисчилари ўз фаолиятлари билан юрт иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бирок айрим кўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам учраб турибдики, улар ислохотларини бир чеккага суриб, ўз манфаатларини устун қўйган ҳолда, чўнтақларини ноқонуний тарзда қаппайтиришни кўзлаганлари сир эмас. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган тезкор тадбирлар натижасида бундай кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда.

Хивалик Сайфиддин Ибрагимов ана шундай тадбиркорлар сирасидан экан. 2008 йилдан "Матмурод Девонбег" хусусий корхонаси раҳбари лавозимда ишлаб келган бу шахс гаразли мақсадларни кўлаб, бир қатор қилмишларни содир этганини ошкор бўлди. С.Ибрагимов бошчилигидаги хусусий корхона "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ билан тузилган пудрат шартномасига асосан, 2013 йил ап-

рель-декабрь ойларида Хива туманидаги "Эски қиёт" қишлоғида 10 та намунавий уйлари қуришда иштирок этади. Бу жараёнда С.Ибрагимов аввалига "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ техник назоратчиси Р.Адамов билан жиноий тил бириктирган ҳолда, ҳақиқатда бажарилмаган 20 млн. 508 минг сўмлик ишларни, кейинчалик техник назоратчи Х.Мадраҳимов ва И.Файзуллаев билан келишиб, амалда бажарилмаган 135 млн. 478 минг ҳамда 50 млн. 776 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-фактураларга сохта маълумотлар киритади. Оқибатда давлатнинг 206 млн. 764 минг сўмлик маблағини ўзлаштириб, талон-торож қилади. Қонун ҳимоячилари томонидан С.Ибрагимов ва ҳамтовоқларининг қилмишлари фош этилди ҳамда тергов, суд жараёнида давлат манфаатларига етказилган зарарнинг ундирилишига эришилди.

"Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга соладур", деганлари шу бўлса керак. Инсоф-у дённатни унутган бу кимсалар суд ҳукми билан тегишли жазоларини олишди.

Қонуний ишлашнинг фойдаси

Солиқ базасини кенгайтириш, ноқонуний нақд пул айланмаларининг олдини олиш, яширин ишлаб чиқаришга қарши курашиш, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидандир.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларга кўрсатилган амалий ёрдам натижасида бир қанча янги ва қўшимча иш ўринлари яратилди. Улар томонидан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатилиши тўғрисида давлат бюджетига солиқлар тўла-нашига эришилди.

ролар С.Аҳмедов ва Б.Жавлоновлар томонидан 2 та янги иш ўрни яратилиб, улар чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтишди.

Шунингдек, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, нотураж жойда парранда гўшти етиштириш билан хуфёна шуғулланиб келган фуқаро Ф.Файзуллаева ҳам ҳуқуқий кўмак ва амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада ноқонуний парранда фермаси "Эъзоз омад фазл" оилавий корхонасига айлантирилиб, бу жойда 15 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Фуқаро М.Мирзабоевнинг ҳам ноқонуний фаолиятига барҳам берилди. Аниқланишича, у белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишдан бўйин товлаб, яширин равишда гул етиштириш билан шуғулланиб келган ҳамда кулолчилик цехи ташкил қилган. Текширув жараёнида ҳуқуқбузарининг қилмишидан пушаймонлиги инобатга олиниб, қолаверса, келгусида қонуний тартибда ишлаш истиғини билдирганлиги учун унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди ва яширин цех ўрнига яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Шу билан бирга, дав-

лат рўйхатидан ўтиб, қонуний фаолиятини бошлаган М.Мирзабоевага банкдан кредит маблағи олишида ҳам ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркор банк кредити ёрдамида ўз фаолиятини янада тақомиллаштириб, қисқа фурсат ичида кулолчилик билан бирга ҳайкалтарошлик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бўлим томонидан ҳудудимиздаги яна шундай ўнлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказиб, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди. Зеро, жамиятимизда етакчи ўрин тутаятган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Қамолiddин ЖАМОЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Янгийул туман бўлими бошлиғи

Тадбиркорлик йўлидаги тўсиқлар бартараф этилмоқда



Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Ушбу "Кўшма кўрсатма"га асосан юқорида қайд этилган масъул идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, уларга жойлардаги хар бир қишлоқ аҳоли пунктлари ва маҳаллаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган шахслар билан учрашувлар ўтказиш, мамлакатда тадбиркорликка кенг йўл ва имкониятлар очиб берилганлигини тушунтириш, қонуний фаолият юритиш учун имкониятлар яратиб бериш, тегишли рухсатларсиз тадбиркорлик билан шуғулланаётганларни рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият юритишига амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар юклатилди.

Бунинг натижасида қишлоқ аҳоли пунктларида 410 та савдо ва маший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 535 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, туман-шаҳар ҳокимликларида ҳар ҳафтанинг жума кунлари "очик эшик кун" ўтказилиб, унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга масъул бўлган барча идоралар иштирокида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳал этиб борилмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз: "Тадбиркорлик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувчи тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 535 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, туман-шаҳар ҳокимликларида ҳар ҳафтанинг жума кунлари "очик эшик кун" ўтказилиб, унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга масъул бўлган барча идоралар иштирокида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳал этиб борилмоқда.

Лекин бунга масъул айрим мансabdорларнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги эътиборсизлиги, ўзибўларчилик кайфиятида иш олиб бориши бугунги кунда ҳам учраб турибди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ривожланишига етарли даражада кўмак берилмаганлиги оқибатида 2015 йилнинг 1 май ҳолатига вилоятда жами 4283 та ёки рўйхатга олинган кичик

бизнес субъектларининг қарийб 19 фоизи фаолиятини тўхтатган. Айни пайтда прокуратура органлари томонидан туман-шаҳар ҳокимликларида ташкил этилган, хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва устав жамғармасини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссиялар фаолияти устидан назорат қўйилди. Улар билан ҳамкорликда кичик бизнес субъектларининг фаолиятини тўхтатиш сабаблари ўрганилмоқда.

Ўрганишлар айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимлик ва давлат бошқаруви органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатига зид бўлган қарорлар қабул қилинганлигини кўрсатди. Прокуратура органлари томонидан биргина 2014 йилда ўтказилган назорат тадбирларида 186 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди. Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган назорат тадбирларида эса 131 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилганлиги, шундан 68 та ҳолатда ортиқча ҳисобот ва маълумотлар талаб қилинганлиги, 18 та ҳолатда ортиқча йўл билан амалга оширилганлиги, 35 та ҳолатда тадбиркорлар манфаатларини поймол қилувчи қарор қабул қилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жумладан, Бекобод туман ҳокимининг 2015 йил 10 апрелдаги қарорига асосан 2015 йил учун темир-терсақ, қора металл чимкиндилари тайёрлаш ва топшириш режа топшириқлари тақсими то белгиланди, ҳудуддаги барча ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларига 3 кун мuddатда "Иккиламчичораметалл" корхонаси билан тақсимотдаги топшириққа мувофиқ шартномалар тузиш мажбурияти юклатилган. Бу ҳолатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига

аралашилганлиги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 34-моддаси талаблари бузилганлиги учун протест келтирилиб, ушбу ноқонуний қарорнинг бекор қилиниши таъминланди.

Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси ва вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан "Plazma Glass" масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган текшириш натижасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан МЖТКнинг 34-моддаси талабларига зид равишда жамият раҳбари М.Ходжаев ҳар иккала орган томонидан алоҳида тартибда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги аниқланиб, мазкур ноқонуний қарорлар вилоят прокуратурасининг протестига асосан бекор қилиниши таъминланди.

Бундан ташқари, назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига кўра қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг қонунийлиги ҳар ойда ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича қонуний чоралари кўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси органларида ҳудудда мавжуд тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилди. Ҳокимликлар ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилган фуқаролар, юридик шахслар ва уларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши натижалари ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда ўрганиб келинмоқда.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви ва назорат-текширув органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига дахлдор қарорлари, фармойишлари ва бошқа ҳужжатларининг, архитектура ва қурилиш бўлиmlари ҳамда ер ресурслари ҳамда давлат кадастри хизматида

тадбиркорлик фаолияти юритиш учун ер ажратиш, ер майдонлари, кўчмас мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш борасидаги мурожаатлар ҳал қилинишининг қонунийлиги ҳам доимий равишда ўрганилмоқда. Масалан, Пискент туманидаги "Кулибоев Фиёс" фермер хўжалиги раҳбари Г.Кулибоевнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонига бино ва ишонотлар қуриш учун рухсатнома олиш юзасидан берган аризаси вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи томонидан ҳал қилинмасдан тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилинганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асоссиз аралашуви каби суиистеъмолчиликларга йўл қўйган маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари, солиқ, банк ва бошқа идораларнинг мансabdор шахсларини фож этиш бўйича тезкор тадбирлар қўйилди. Хусусан, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги иктисод бўлими бошлиғи алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишга рухсатнома олиш учун мурожаат қилган тадбиркорлардан қонун ҳужжатлари талаб қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини тезкор аниқлаш, уларни тиклаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жорий этилган ишонч телефонлари имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Вилоят прокуратураси органларида ўрнатилган ишонч телефонларига 2015 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларнинг 56 таси қаноатлантирилди, 5 таси бўйича тушунтириш берилди. Мисол учун, "Stam-T Sheep" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Полатованинг кредит ажратиш бериш тўғрисида АТИБ "Ипотека банк" Чирчиқ филиалига ёзган аризаси банк ходимлари томонидан кўриб чиқилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан банк бошқарувчиси вазифасини бажарувчисига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, фермер хўжалигига кредит ажратиш берилиши таъминланди.

Якка тартибдаги тадбиркор Н.Шоназаровнинг техник шарт бериш тўғрисидаги аризаси ҳал этилмаётганлиги ҳақидаги Бекобод туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га қилган мурожаатига асосан унинг талаби қондирилди, айбдор электр тармоқлари корхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи М.Усаров ва мутахассис Ж.Ҳатамовларнинг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Прокуратура органларининг аралашуви билан 587 нафарнинг ҳуқуқлари тикланиши, шундан 524 нафарини рўйхатга ва ҳисобга олиниши ҳамда уларга амалий ёрдамлар кўрсатилиши, 703 та кўшимча иш ўринлари яратилиши, 38 нафарига тегишли рухсатномалар олиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг иш бошлаши ва фаолиятларини янада кенгайтиришлари учун 503 млн. сўм, шундан касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун 311 млн. сўм кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашилди.

Вилоят ҳудудида фаолият юритмаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат объектларини аниқлаш ва инвестиция киритиш шартли билан "ноль" харид қийматида тадбиркорларга бериш ва улар негизда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ишчи гуруҳи ташкил этилиб, бундай объектларнинг рўйхати шакллантириб борилмоқда. Жорий йилда тадбиркорларга инвестиция киритиш шартли билан 3 та бўш турган объект "ноль" харид қийматида берилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жойларда ҳудудий давлат бошқаруви ва назорат-текширув органлари ҳодимларини жалб қилган ҳолда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 10818 нафар тадбиркорлар билан ўтказилган 534 та учрашувларда фаолият юритишида муаммоларга дуч келган 535 нафар тадбиркорга рухсатнома бериш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масаласи ҳал этилди, 2381 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш тўғрисидаги янги қонун ҳужжатларини, прокуратура ва бошқа идоралар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги амалий тадбирларни тадбиркорларнинг эътиборига етказиш мақсадида туман-шаҳар ва вилоят миқёсидаги оммавий ахборот воситаларида 328 та чиқишлар амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва унга барча шарт-шароит ва имкониятларни яратиб бериш ҳаммаизнинг энг асосий вазифаси эканлигини чуқур англашимиз керак.

Прокуратура органлари барча давлат идоралари, шунингдек, ҳуқуқий муҳофазаси қилувчи ва суд идоралари билан ҳамкорликда қайд этилган вазифаларни бажариш ҳамда қонун устуворлигини, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун барча салоҳият ва имкониятларни сафарбар этади.

Малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш

Суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили

Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига бевосита боғлиқдир. Уни юксатириш учун эса халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнига масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташласак, соғлом ва баркамол, интеллектуал салоҳияти юксак, марад ва жасур авлодни тарбиялаб, вояга етказиш учун мамлакатимизда эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

Жумладан юртимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди. Ўзбекистонда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг биз танлаб олган, юртимизда янги жамият қурилишини босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш принципи асосланган "Ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 12 йиллик умумий бепул мажбурий таълим тизими жорий этилди. Ҳақиқатан ҳам таълим соҳасига қўйилган қўшимча маблағларнинг барча босқичларини камраб оладиган ўз миллий моделимизни амалга ошириш, шуниингдек, норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш таълим соҳасида катта натижаларга олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир

қатор фармон ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган чора-тадбирларни, шу жумладан, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ вазифаларни рўйбга чиқаришда муҳим ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида олий таълим тизимининг таркибий қисми сифатида юридик таълимни тубдан ислоҳ қилиш, ёш ҳуқуқшунослари ҳар томонлама билимли ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада мустақам ҳуқуқий ва институционал база яратилган. Хусусан, Юрбошимизнинг 2013 йил 28 июнида қабул қилинган "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, шубҳасиз, юридик таълим сифати ва самарадорлигини оширишда дастуриямал бўлиб хизмат қилди.

Мазкур қарор мамлакатни ҳуқуқий жиҳатдан модернизация қилишга қаратилган ислохотларга ҳамроҳанг бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент Давлат юридик институти Тошкент Давлат юридик уни-

верситети сифатида қайта ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари аниқлаштирилди, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси ва илмий-методик марказ этиб белгиланди. Университетнинг моддий-техник базасини мустақамлаш ва кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, халқаро тажрибани ўрганиш, қонунни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий тадқиқотлар маркази ташкил этилди.

Ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий юридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлар бўйича дарс бераётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Юридик таълимни замонавий халқаро стандартларга мослаштириш ва таълимнинг модулли тизимига ўтишини назарда тутувчи мазкур қарор назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат юридик билим ва амалий кўникмаларни чуқурроқ эгаллашни ихтисослаштирилган ҳолда, замонавий шаклларда амалга оширишни назарда тутди. Айни пайтда халқаро таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда модулли тизимни юридик таълим тизимига татбиқ этиш фаол давом этмоқда.

Ислохотларни амалга ошириш, ҳуқуқий давлат қуришда юқори малакали ҳуқуқшуносларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бугун Ўзбекистонда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мустақам ҳуқуқий базаси яратилган ва бу борада аниқ тажрибага эгамиз. Шу билан бирга, ҳуқуқшунос кадрларга қўйилаётган талаблар ҳам тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi ўзлуксиз ислохотлар жараёни ҳам юксак малакали юрист кадрларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлаётган ҳолда қўшимча таълим олишга эътибор берилмоқда.

Замонавий информацион технологияларни турли соҳаларга жорий этиш оммавий тус олиб бораётган ҳозирги даврда уларни ўз касбий фаолиятларида қўллаш оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун етарли шароит яратиш масалалари етакчи даврга эга бўлиб бораёпти. Ҳуқуқшуносларнинг амалий фаолиятида ҳам имкониятлари тобора кенгайиб бораётган компьютер тизимлари салмоқли ўрин эгалламоқда. Чунки, компьютерлар бугунги кунда ҳар қан-

Илҳом ТАЙРОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

дай ҳуқуқий ахборотни сақлаш ва узатиш ҳамда қайта ишлашнинг энг оммавий воситасига айланиб улгурган.

XXI аср ҳақида бутун дунёнинг ахборотлашуви ва компьютерлашуви даври деб баъшорат этишар эди. Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан юзлаб ва минглаб миллий, худудий ва дунё миқёсидаги информацион тизимлар ва компьютер тармоқлари вуҳудга кела бошлади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бўлажак юридик кадрлар учун қонунлари пўхта билиш, уларни амалда қўллаш, процессуал ҳужжатларни ёза олиш, муаммовий-ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилиш, суд жараёнида иштирок этиш, ўз фикрини ёзма ва оғзаки равишда баён этиш, компьютерда ишлаш, чет тилларда эркин иш юритиш каби кўникмаларни шакллантиришнинг замонавий ўзи талаб қилмоқда.

Касбий, ахлоқий ва ахборот маданияти юксак кадрларни етиштириш долзарблигини тўла англаган ҳолда ҳуқуқимиз томонидан мамлакат молиявий ва моддий ресурсларининг етарли улшини таълим соҳасига йўналтириш давом эттирилмоқда. Бунинг мевасини ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан шиддат билан одимлаётган мамлакатимизда эришилаётган ютуқлардан ҳам қўриб туришимиз.

Масаланинг ечими топилмоқда

Аввало шуни айтиш жоизки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганини акс эттирувчи мезонлардан биридир. Чунки мустақилликнинг дастлабки кўнлариданоқ юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришни ўз олимизга мақсад қилиб олганмиз. Шундай экан, фуқароларнинг муурожаатларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Юрбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда, халқимизнинг кундан-кунга ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг талаб-эҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги пайтда фуқароларнинг муурожаатларига раҳбарлар, мансабдор шахсларнинг масъулияти юқори бўлиши лозим. Ҳар қайси муурожаатнинг ортида эса кимнингдир арз-доди, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилаётган адолатсизлик турибди.

Президентимизнинг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича таъсирчан чоралар қўриш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Бу борада Самарқанд вилоятда давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги, адлия,

ички ишлар, солиқ, суд департаменти вилоят бошқармалари ҳамда вилоятнинг бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган қўшма фармойиш талабларидан келиб чиқиб, фуқароларни қабул қилиш жадваллари асосида бориш қўшим бўлган, инфраструктураси етарли даражада ривожланмаган олис кишлоқларда ошқоралик тамойилига амал қилган ҳолда сайёр тартибда қабуллар ташкил этилмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоли масалаларини жойида тезкорлик билан ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Навбатдаги шундай сайёр қабул яқинда Тайлоқ туманининг чекка худудларидан бири "Ғўлба" кишлоғида бўлиб ўтди. Унда вилоят прокурори, вилоят ҳокими, ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ер ресурслари ва кадастр хизмати, архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси, электр тармоқлари, газ таъминоти, сувовқова ташкилотларининг вилоят раҳбарлари ҳамда бошқа идора ва жамоат муассасалари ходимлари иштирок этишди.



Сайёр қабулда ушбу кишлоқ ва унинг атрофидаги "Боғизагон", "Тила-ота", "Янги ҳаёт", "Галаботир" ва "Наққошон" кишлоқларидан 100 дан зиёд фуқаро иштирок этиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларига оид муаммоли масалалар шу ернинг ўзида ҳал этилди. Айниқса, ёғоч устунларнинг эскириб кетиши оқибатида электр энергиясини етказиб беришда узиллиларнинг қўлгайиллиги ва унинг олдини олиш, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, янги мактаб ва боғча бинолари, спорт зали, сузиш ҳавзаси қуриш, кишлоқ ички йўллари таъмирлаш, тадбиркорларнинг фаолиятини кенгайтириш, кишлоқларда маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳага кўпроқ ёшларни жалб этиш, пул-кредит, банк операциялари билан боғлиқ муурожаатларни ҳал қилиш юзасидан шу ернинг ўзида мутасад-

Азим САТТАРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

диларга тегишли топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Мисол учун, тумандаги "Наққошон" кишлоғида яшовчи фуқаро У.Жумамовнинг Самарқанд шаҳридан "Деҳқон-обод" кишлоғига автобус қатнови йўлга қўйилишида ёрдам бериш ҳақидаги муурожаати тегишли мутасаддиларига топшириқлар берилиб, тез кунда ижобий ҳал этилиши назоратга олинди.

"Украс" маҳалласида истиқомат қилувчи У.Маърупов эса музлатқич-омборхона қуриш лойиҳаси асосида 500 млн. сўм кредит олиш учун зарур ҳужжатларни вилоят Халқ банкига тақдим этгани, аммо кредит берилмасдан келинаётганини айтиб ўтди. Тадбиркорга кредит ажратишга қўмаклашиш бўйича Марказий банкнинг вилоят бош бошқармасига топшириқ берилди.

Шунингдек, "Янги Тайлоқ" маҳалласидан М.Узоқовнинг насли мол харид қилиш, "Сибё Шавкат орзу" фермер ҳўжалигининг озик-овқат хавфсизлиги дастури асосида 30 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этиш масалаларига оид муурожаатлари ҳам муҳокама қилинди. Мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи худудий дастурлар ижросини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар мутасаддиларига тавсиялар берилди.

Ҳалолликнинг ҳикмати

Халқимизда "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", деган мақол бежизга айтилмаган. Зеро, инсон учун ҳалол меҳнати, пешона тери билан ишлаб топган бир тишлан нони ҳам дунёдаги энг лаззатли таомлардан-да ширинроқ туюлади. Азал-азалдан ота-боболаримиз бизларни ҳалол меҳнат қилишга, бировнинг ҳақидан қўриқшга ўргатишган. Биз ана шундай эътиқоли халқнинг фарзандларимиз

Абдурашид НУМАНОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Юқоричирчиқ туман бўлими
суриштирувчиси

қазий ишларини олиб борган экан. Шунингдек, А.Тошев МЧЖдан сотилган 174 млн. 408 минг сўмлик гиштарни ҳужжатларда акс эттирмайдан, пулларини ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборди.

Аммо, "қўза кунда эмас, кунда синади", деганларидек, бу кимсанинг қилмишлари ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан фош қилинди. Суд А.Тошевнинг жиноий ҳаракатларини қўриб чиқиб, унга тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳалол меҳнати билан келиб турган насобига рози бўлмай, қинғир йўл билан мўйай бойлик орттириш йўлига ўтган кишининг қилмишлари мана шундай фош этилиб, уларнинг эл-юрт олдида юзлари шувёт бўлади. Сабр ва қаноат билан меҳнат қилган тadbиркорлар эса орзу қилган барча марраларини забт эта оладилар. Ахир бежизга "ҳалолликда ҳикмат кўп" дейишмайди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тadbиркорларнинг қонун ҳимоясига олингани уларга эркин фаолият юритиш имконини берди. Аммо, минг афсуски, орамизда қонун ҳимоясини нафақат нотўғри тушуниб, балки уни бузиб фаолият юритадиган "ишбилармон" тadbиркорлар ҳам учраб туради.

2013 йилда Юқоричирчиқ туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтиб, "Азимхон-Азизбек Файз" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилган Анваржон Тошев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундайлардан экан. У дастлаб ноқонуний бойлик орттириш йўлига ўтиб, юртимиздаги қону-

